



# НАВРЎЗ АЙЁМИНГИЗ МУБОРАК БЎЛСИН!

Эрурсен шоҳ, агар огоҳсен сен, Агар огоҳсен сен, шоҳсен сен



# ХАБАР

шабр

Ўзбекистон почта ва телекоммуникациялар агентлиги нашри

1992 йил мартдан чиқа бошлаган

2000 йил, 24 март, жума, № 11 (394)

Сотувда нархи эркин

**Ўзбекистон почта ва телекоммуникациялар агентлиги юртимизнинг барча заҳматкаш алоқачиларини баҳор ва янгиланиш байрами – НАВРЎЗИ олам самимий табриклиди.**



## БАҲОРЛАРИНГ КЕЛДИМИ, ЭРКАМ?..

Новдалар кўксидаги ажиги бир титроқ –  
Мажнунтол сочига кун солмиши тарок.  
Совчи бўлар ерга минг йиллик сўрок,  
Сенинг баҳорларинг келдими, эркам?..

Бодомзор уфурар анбару мушқдан  
Кумрилар тизилиб сув ичар ашқдан,  
Тарновда сумалак эрийди рашидан,  
Сенинг баҳорларинг келдими, эркам?..

Кўкда қуёш эмас, юрак борадур,  
Нур сочиб енгилмас тилак борадур,  
Бўғзимда ғанимим – фироқ борадур,  
Сенинг баҳорларинг келдими, эркам?..

Боқсамда юзларингда ойнинг акси бор,  
Унда икки қаро зулфинг рақси бор,  
Шундан ҳисларимнинг минг хил баҳси бор,  
Сенинг баҳорларинг келдими, эркам?..

Мен-ку, аёзларда кўз очган лола,  
Баҳорни соғиниб кўкарған нола,  
Хайратми, кўзимдан оққан бу жола,  
Сенинг баҳорларинг келдими, эркам?..

Юсуфжон ҲАМИДОВ

## НАВРЎЗГА БАҒИШЛАНДИ

Республикамизнинг барча вилоят ва туманларида Наврӯзи олам катта шодиёна сифатида байрам қилинди. Жумладан, Ўзбекистон почта ва телекоммуникациялар агентлиги корхона ҳамда ташкилотлари ҳам Наврӯзни шоду-хуррамлик билан кутуб олишиди. Ана шундай тантаналардан бирни Тошкент электротехника Алоқа институтида бўлиб ўтди. Ушбу байрам тантаналарида

ўқитувчи ва талабалар, меҳмонлар иштирок этишиди.

Институт ректори С. Қосимов йигилгандарни байрам билан табриклиди. Фаол ўқитувчи ҳамда талабалар тақдирланди. Шундан сўнг концерт намоиш этилди, спорт мусобақалари бўлиб ўтди.

ЎЗ МУХБИРИМИЗ

## РЕЖА УДДАЛАНДИ

«Наврӯз» айёмига муносиб ҳозирлик кўрган Олтинкўл туманидаги Қўштепасарой алоқа бўлими ходимлари жорий йилнинг 1-чорагида режадаги 71000 сўм ўрнига 73500 сўмлик хизмат кўрсатиши. Режа ортиги билан бажарилди. Асосий даромад 33000 сўмни ташкил этди.

Худудда 1550 нафар пенсия олувчилар истиқомат қиласди. Биргина «Саховат» журналига 263 нафар кексалар обуна булишган. «Хабар», «Халқ сўзи», «Ўзбекистон овози» каби унлаб турдаги газета ва журналлар жорий йилнинг ҳар ойида 56 минг сўм миқдорида

сотилди. Ўз касбини ардоклаган М. Туругунов, Х. Ҳожиев, Ҳ. Ҳайдаров сингари почтачиларнинг меҳнатлари таҳсинга сазовордир.

Қўштепасарой алоқа бўлими почта ходимлари Наврӯзни ана шундай меҳнат ютуклари билан кутуб олишиди.

д. ИНОМОВ,  
Андижон вилояти

## ЯНГИ БИТИМ ИМЗОЛАНДИ

Ўзбекистон алоқа ходимлари касаба уюшмаси Марказий Қўмитаси билан «Матбуот тарқатувчи» акциядорлик компанияси ўртасида 2000-2002 йилларга мўлжалланган янги битим имзоланди.

Уни Марказий Қўмита раиси Т. Назаржонов ва «Матбуот тарқатувчи» акциядорлик компанияси бош директори

Р. Қосимовлар имзолашди.

Ҳар бир акциядорлик компанияси билан алоҳида-алоҳида битимни имзолашда ўша жамоанинг ички имкониятлари ҳисобга олинмоқда. Бу эса битим ижросини таъминлашда жуда муҳимdir.

ЎЗ МУХБИРИМИЗ

«Камалак – ТВ» қўшма корхонаси жамоаси  
республикамиз алоқачилари ва аҳолисини  
Наврӯзи олам билан самимий муборакбод  
этади. Соғлом авлод ишида барчага сиҳат-  
саломатлик, оиласий хотиржамлик, жонажон  
мамлакатимиз равнақи йўлидаги эзгу ишларида  
улкан зафарлар тилаб қолади.

# ҲАР БАҲОРДА ШУ БЎЛАР ТАҚРОР

Яна баҳор келди. Бодом гуллади. Қир-адирлар бинафшаю чучмомалар, гулчечаклар билан безанди. Қўлламойнинг 21 куни эса сумалаклари билан Наврӯз юртимизга ташриф буюорди. Ҳа, айни мана шу 21 март «Хабар» газетаси ижодий ходимлари ва муштарилилари учун қўшалоқ байрам. 1992 йилнинг 21 март куни «Хабар»нинг нишона сонги ўз ўқувчилари кўлига этиб борди. Мана шунга ҳам саккиз йил бўлуди. Мұхбирларимиз юртдошларимизнинг «Хабар» газетаси ҳақидаги фикр-мулоҳазалари, тақлиф-истаклари ҳамда табриклиарини ёзб олишиди:

Зикрилла ЮСУПОВ, Узбекистон почта ва телекоммуникациялар агентлигининг мутахассисларини тайёрлаш ва қайта тайёрлашни ташкил этиш бўлими бошлиги ўринбосари:

— Аввало, «Хабар»чилар ва газета муштарилиларини баҳор байрами билан табриклийман. Бир неча йилдан бунь «Хабар»нин ўқиб бораман. Мени замон талабларига жавоб берадиган мутахассисларни тайёрлаш, уларни соҳамизга кириб келаётган янги технологияларни уратишни мақсадиди қайта тайёрлаш ҳамда малакасини ошириш борасидаги муаммоларни ҳал этишига

багишланган мақолалар кўпроқ қизиттиради.

Малакали, ҳар томонлама етук кадрлар тайёрлаш ҳамиша муҳим масала ҳисобланади. Бунга алока соҳаси учун олий ва урга бўғинда мутахассислар етказиб берадиган Тошкент электротехника Алока институтининг 4-курс талабаси:

— «Хабар»ни мунтазам ўқиб бораман. Соҳадаги янгиликларни ҳам шу газета оркали билди оламан. Кўпинча бундай янгиликларни сабоқдошларимга ҳам етказиб турман. «Ранжнома», «Алока матбуот кўзгусида», «Оламда нима гап?», «Турмуш чоррахларидан» руҳнлари остида берилётган мақолаларни қизикиш билан ўқиб чиқаман. «Ранжнома» руҳнидаги танқидий мақолаларни мунтазам бериб борши зарур деб ҳисоблайман. Алочали ёшлар, талабалар ҳаёти, уларнинг иш фаoliyati ҳақида жуда куп нарсаларни билишин ҳоҳлайман.

«Хабар» газетаси ходимларини баҳор байрами — Наврӯз билан савиимий табриклаб, мавжудатли ва шарафли ишларидан мунтазам борши зарур деб ҳисоблайман. Ҳаракат Навоий бобомиз айтганларидек, «Хар кунимиз Наврӯз бўлсин».

Улардан янада қизиқарли мақолалар кутиб қоламиз. Дилафрўз НАРЗИЕВА, Тошкент Алока коллежининг З-курс талабаси:

— Наврӯз куни дунёга келган «Хабар» газетасининг ҳар бир сонини интизорли билан кутаман. Газета саҳифаларида берилётган ранг-баранг мақола, сұхбатларни қизикиш билан уйқиман. Айниқса, газетада коллежимиз ҳаёти, тенгдошларим ҳақида бирон бир лавҳа, сұхбат, ҳабар босилса, ўша кун мен учун байрамга айланади. «Ажаб дунё», «Бу — қизик» руҳнидаги қизиқарли материаллар, шунингдек, бой маданий меросимиздан берилётган ранг-баранг мақолалар менга жуда ёқади.

Келгусида газета саҳифаларида турил хил бошқотирмалар, мунахжиллар башорати, «Пазанды маслаҳати» руҳнida фойдалы маслаҳатлар ва машҳур ғузувчилар, шоирлар, санъаткорлар, спортчилар, кино юлдузлари ҳақида ҳам мақола сұхбатлар берил борилса нур устига альо нур бўлар эди.

Фурсатдан фойдаланниб, барча юртдошларимиз ва тенгдошларимиз улуг байрам — Наврӯз билан савиимий кутайман. Ҳаракат Навоий бобомиз айтганларидек, «Хар кунимиз Наврӯз бўлсин».

Сұхбатларни АБДУҒАНИ, ХУЛКАР, ШУҲРАТ ёзб олишиди

# ТАЙИНЛАШ



Узбекистон почта ва телекоммуникациялар агентлиги Баш директорининг бўйргуга кура, Муборак Ҳошимовна Рустамова давлат Алока инспекцияси бошлиги этиб тайинланди.

Муборак Ҳошимовна Рустамова 1948 йили Тошкент шаҳрида туғилган, узбек, маълумоти олий. Урта мактабдан сўнг Тошкент электротехника Алока институтида таҳсил олди.

У дастлаб 1971 йили Тошкент шаҳар телефон тармоғи бош бошқармаси, Чилонзор тумани телефон болгламасининг 48-АТСиде мұхандис сифатида иш бошлади. 1973 йилдан 1986 йилгача Тошкент шаҳар телефон тармоғи бош бошқармаси С. Раҳимов тумани телефон болгламасида станцион цех бошлиғи, станцион мұхандис, мұхандис вазифаларда мекнат қилди.

1986 йилдан 1994 йилгача Узбекистон Республикаси Алока вазирлигига станция иншотлари, технологик жаһаёнлар эксплуатацияси ва оператор-техник бўлимида етакчи мұхандис, баш мутахассис, бўлиб бошлиғи, сунгага 1998 йилгача «Тошкент шаҳар телефон тармоғи» ҲЖнинг С. Раҳимов тумани телефон алоказа болгламасида бошлиқ бўлиб ишлади.

Муборак Рустамова 1998 йилдан бошлаб тоҳзиги вазифага тайинлангунга қадар «Ўзинтнернейшн» кўшма корхонасида бюджет назорати бўйича менеджер, тижорат директори ўринбосари вазифаларида мекнат қилган эди.

# АНЖУМАН ЎТКАЗИЛДИ

Яқинда Тошкент электротехника Алока институтидаги «Камолот» жамғармасининг Тошкент шаҳар бўлими раиси ўринбосари Қаҳрамон Қуронбоев очди. Унда санъатчунослик фанлари номзоди Сунатулла Аҳмедов, «Амир Темур» халқаро илмий экспедицияси раҳбари Фаҳридинхуза Ашрафхўжаев, институт маънавий ва маърифий ишлари бўйича биринчи проректори Масудъ Зупаров ва бошқаралар сўзга чиқиб, аждодларимизни хотиралаш, уларнинг руҳини шод эъчаш азалий урф-одатимиз эканлиги ҳақида тўлқинланаб гапиридилар. Анжуманда талабалариниң кўплаб саволларига жавоблар берилди.

А. ХУСАНОВА, ТЭДИнинг маънавий-маърифий масалалар бўлими бошлиғи

## ҲИССАДОРЛАР ДИҚКАТИГА!

«Тошкент почтамти» ҲҲ хиссадорларининг йиллик умумий ийғилиши хиссадорлик жамиятининг анжуманлар залида (Тошкент шаҳар, Шаҳрисабз қўчаси-7) 2000 йил 26 апрель куни соат 15.00 да ўтказилади.

Хиссадорлар соат 14.00 дан бошлаб рўйхатга олинади.

Хиссадорлар рўйхати 2000 йил 25 марта куни ҳолатига кўра тузилади. Умумий маъжис материаллари Кузатув Кенгаши томонидан тақдим этилади.

### КУН ТАРТИБИ:

1. Жамиятнинг аудиторлик фирмаси томонидан маъкулланган 1999 йилги молиявий-хўжалик фаолияти ҳақидаги ҳисоботни тасдиқлаш.

Жамиятнинг акцияларига доир дивиденд суммалари, уларни тўлаш шакли ва муддатларини тасдиқлаш.

2. Жамиятнинг 1999 йилги кимматли қоғозлар бўйича йиллик ҳисоботини тасдиқлаш.

3. Тағтиш комиссияси ҳисоботини тасдиқлаш.

4. Кузатув Кенгаши фаолиятига доир ҳаражатлар сметасини тасдиқлаш.

5. Кузатув Кенгаши таркибини ўзгартириш ҳақида.

«Тошкент почтамти» ҲҲ  
Кузатув Кенгаши

Ўзбекистон почта ва телекоммуникациялар агентлиги жамоаси ишлар бошқармасининг етакчи мутахассиси Ш. Нурмуҳамедовага волидаи мухтарамаси

МУҲАББАТ аянинг

вафоти муносабати билан чукур таъзия изхор қиласи.

Тошкент электротехника Алока институти раҳбарияти ва жамоаси техника фанлари номзоди, ўкув ишлари бўлими мудири Нурулла Гултўраевга волидаи мухтарамаси

МУҚАДДАМХОН аянинг

вафоти муносабати билан чукур таъзия изхор этади.

Тошкент электротехника Алока институти раҳбарияти ва жамоаси «Алока линиялари» кафедраси мудири Рамизиддин Камолиддиновга волидаи мухтарамаси

МУҲАББАТ аянинг

вафоти муносабати билан чукур таъзия билдиради.

«Тошкент шаҳар телефон тармоғи» ҳиссадорлик жамияти жамоаси Марказий филиал директори Н. Султоновга онаси

САБИНИСА аянинг

вафоти муносабати билан чукур ҳамдардлик билдиради.

## ЭЪЛОН

Марокли дам олиши истайсизми? Марҳамат. 2000 йилнинг 1 апрелидан бошлаб «Алоқачиз» (Бўстонлик тумани, Сойлик қишлоғи) болаларни согломлаштириш оромгоҳи сизни оилавий дам олишига тақлиф этади. Бу ерда сизнинг маданий ҳордик чиқаришингиз учун барча шарт-шароитлар мухайё. Оромгоҳда буфет, кутубхона, спорт майдонлари, стол тениси, машғулот зали мавжуд.

Хар бир дам олувчига кунлик йўлланма баҳоси 1589 сўмни ташкил этади (бу кимматда кунига уч маҳал овқатланиши баҳоси ҳам киради).

Маълумот учун телефон: 55-23-73.

Ҳақ тўлаш пул ўтказиши йўли билан амалга оширилади.

Бизнинг хисоб ракамизим:

Х/р 2021000300496524001 САҚБ «АЛОҚАБАНК» МФО 00401. ИНН: 201053553.

«Тошкент шаҳар телефон тармоғи» ҲҲ маъмуряти

## ОБЪЯВЛЕНИЯ

26 апреля 2000 г. в 16.00 час. состоится собрание акционеров АООТ «ИМПУЛЬС-С» по адресу: г. Ташкент, пр. УЗБЕКИСТАНСКИЙ, 16. 2-ой этаж, каб. 202.

### ПОВЕСТКА ДНЯ:

1. Отчет председателя АО об итогах финансово-хозяйственной деятельности за 1999 г.

2. Отчет ревизионной комиссии по итогам аудиторской проверки за 1999 г.

3. Отчет председателя Наблюдательного Совета.

4. Доизбрание в Наблюдательный Совет.

### БАЛАНС АООТ «ИМПУЛЬС-С» за 1999 год

№	АКТИВ	ПАССИВ
1. Основные средства	2201	
2. Нематериальные активы	989	
3. Производственные запасы	1219	
4. Денежные средства	51	
5. ДЕБИТОРЫ	7479	
6. Расходы будущих периодов	208	
7. Уставный капитал		2807
8. Добавленный капитал		620
9. Резервный капитал		78
10. Нераспределенная прибыль		1936
11. Целевые поступления		305
12. Авансы полученные		279
13. Кредиторы		6122
<b>БАЛАНС</b>	<b>12147</b>	<b>12147</b>
Наблюдательный Совет АООТ «ИМПУЛЬС-С»		

Кейнинг кунларда негадир носхумор булган кашандадек гангиг, кулим ишга бормай қолди. Мундок ўйлаб курсам, бунинг сабаби — согинч экан. Согинч туйгуси... Она қишиломини, мөхрибон ота-ном, жигаргушаларимни қаттиқ согинибман. Туганмас турмуш юмуналарига кўмилб кетиб, қишлоқка бормаганинга ҳам олти ой бўлибди. Узимни койидими зарур ишларни бирекли қилиб, ўйла чиқдим.

Тақдир тақозоси билан қишлоқда тулишиб усб, пойтахта ухиши битирга, шу күни улкан шахарда яшаб қолган биз каби ажабтурор бир тоифа бор. Булар энди қишлоқпук бўлиб қишлоқлик, шахарлик бўлиб шахарлик эмас. Уларнинг бутун оғли ҳаёт шахарда ўтган, шахар кулийларига кўниши қолишган. Шу боис камина каби қишилогини ҳар қанча согиниб бормасин, бир-икки кунда зерикади. Ўёқда уни тушундиган, сухбати қошуладиган дустларни ҳам энди кам. Айни чоғда феъл-автор, характеристика қишиларга шахарда шакланган бундай қишиларга шахарда яшаш ҳам осон эмас...

Қишлоққа кетаётганимда ана шундай ўйлар хәйлимдан кечди. Одатда, менинг қишлоққа келётганинг ҳақидаги ҳуҳшабар узимдин оддин етиб боради. Илари — талабалий илларни узалирим, сингилларни йўлумга чопкиласиб пешвож чиқиши, энди уларнинг фарзандлари — жигарларни турнакатор бўлиб, шоду хурралмак, кийчув билан шахарлик катта тогаси — каминанинг кутиб олишида. Кейин жигарларим, кексайло қолган нуроний ота-ном... Ҳаммамиш куточлашиб, ачом-ачомлашиб куришамиз. Айнича, саксонни коралаётган таом менинг узоқ вақтчача бағридан буштамайди, селкиллаган соқолини юзларимга босиб, оз-моз йиглаб ҳам олади. Кейин, дуон фотози қилиб, узаро ҳол-ахвол сурасаётганимизда

ҳаммалари неварабарларнинг келмаганидан (данагидан магзи ширин...) астойдил ҳафа булишади. Болалигига қишлоққа дейилса қанот болгаси учунга шай турган, шахарда ўсиб ўлгайлан неварабарларнинг эса дийдаси котиброк қолган: қишлоқни, қариндошларини негадир согинаверишмайди. Ичимдан киринди ўтса ҳамки буни эътироф этолмайман, жигаргушаларнинг қўнглини кутаришга ҳаракат қиласаман, янаги гал албатта келишади деб вадда бераман.

Менинг қишлоққа боришим ҳар гал ота-ном, жигарларим учун катта воеқа-байрамга айланаб кетади. Укалар, сингиллар, жигарларни ҳаммамиш ота-номадонида ишга қолади. Ҳаммамиш сира айланаб кетади. Укалар, сингиллар менинг болаликдаги шуҳликларини эслаб, кулидиршиади. Анча эрта эс тортган ширинкот жигарларнинг гап-сузулари, фикр-муҳоазаларидан завкланаман. Нодира шеър ёзар экан, қайта-қайта илтимос қўлганимиздан сунг, тортишиб-кимтимиз ўқиб берди. Шахноза катта улгимга қайлиқликка номзод топиб қўйипти. Баҳорид, Муҳаббат, Ойбек, Отабекларнинг альб ҳушига хавасим керади. Шоҳруҳ эса ойиси касал булганда бемалол ҳамир қориб, нон вар, оқат қилас, сигир согар, томоркада худди катталарден деҳончилик қилас экан. Буларнинг одоби, бир-бирига узаро меҳрумхуббатини айтмайсизми?! Ука ва сингиллар алоҳида оиласи бўлиб, ота-номадонидан четроқда яшашада, ҳар иккичу қунда албатта бирров ота-номиздан деб тўхтатилган, одамлар бир-хисобланган.

# МЕХР

## Турмуш чорраҳаларида

Бизларни ўзаро яқдил, яқин қилиб турган асосий нарса МЕХР эди. Изоҳли лутатда МЕХР сўзига шундай таъриф берилган экан: 1. Инсоннинг ўз тушишларига, яқин қишиларига ва умуман одамга бўлган самимий мухаббати. 2. Шафак, раҳмидиллик.

Дарҳаққат, Мехр буюк илоҳи нетемат, бебаҳо бокий қадрият! Агар инсоннинг ўз тушишларига, тугишишларига меҳри, мурувват бўлмас, бундай одамдан яхшилик чишини қишин, бундай одам бошқаларга ҳам самимий муносабатда булолмайди.

Бу оддий ҳақиқат. Назаримда, бизнинг ота-хонадонимиз болажон ҳалқимнинг, багри кенг, саҳоват, аз аҳматка шузбекининг жонли имтисоли.

Ҳар гал ота-хонадонида юкоридагидай меҳр булогидан баҳраманд бўлиб, фахрланиб, гурурланиб утирганимда кўнглимдан бошқа, алами бир ўй ҳам ўтди: нега бэзиларимиз болаларимизни ҳудди аша ута ота-бобаларимиздай тарбия қила олмаямлиз? Нега?...

Тўғри, айримлар бола ичмаса, чекмаса, ёмон йўлга юрмаса бўлди-да, сизга яна нима керак дейдишади. Бу гапларда ҳам жон бор, албатта. Кўн нарса болаликдан, оиласдан, оиласдаги тоза, бегубор мунтадан бошланниши ҳам айни ҳақиқат. Ҳар гал қишлоқда булганимда иккى ҳил мухит — иккى ҳил тарбияга гувоҳ бўламан. Қишлоқда болакайлар иккиналигидан астойдил меҳнат қилишади. Мехнат эса буюк тарбияловчидир. Шу боис, қишлоқ болаларини хулку одоби ҳам зугачадир. Улар ўшига нисбатан жуда эрта үлгайшади. Ҳаётнинг паст-баландини, оюк қурун барвакт илгашади. Бу эса

келигусида, мустакил ҳаётга қадам кўйишганда жуда жуда аскотади.

Шахарда, «дом»ларда яшад, қулини совуқ сувга урмай, худди тувакда ўсан гулга ўҳшаб қолаётган болаларни кўнгилдагидай тарбиялаш эса анча машакъэтлидир. Инжик, ўшар, ялқов бўлиб қолган айрим шахарлик эркотайларни ўйлуг солини эса осон эмас, бунинг учун тадбир, ақдан ташкири метинчидир ирода, кучли сабак-токаз ҳам керак бўлади.

Юқоридаги мулоҳазалар билан камина шахарда ҳамма нарса ёмон, қишлоқда эса бунинг агаки демокри эмасман, асло. Тўғри, қишлоқда ҳам муаммолар бор, у ерада ҳам кидаларништанинг йўқ, ота-назаран писанд қимлайдиган ўшлар топилиади. Беш кўн барбоб эмас, яхши ёмон ҳамма жойда бор. Мен фақат ўзим кузатган, ўзим гувоҳ бўлган воеқа-миззаралар баҳонасади айрим фикрларим билан ўртоқлашганинг келди, холос.

Ота-хонадонида ўзим учун янада оддий ҳақиқатни кашиб этдим. Ҳозир мен жавас қилаётган жигарларнинг кўпчалиги узбекининг жонли имтисоли. Энди тан олмасдан иложимиз йўқ — ота-бобаларимиздай тарбия бобида ҳам биздан кура оқилор, зукорок экан-да!... (Кари билганини пари биллас, деб бежиз айтилмаган.)

Уларнинг тарбия усулида ҳеч қандай сир-асрор йўқ, бор-йўқ «сир» уша — юқорида айтганим — Мехрда! Улар невара-чевараларни ҳам қайнон, самимий меҳр билан тарбиялайдилар. (Мехр кўри кўшилмаса, тайврланган овқатда ҳам маза бўлмайди.) Юракдан чиқкан нарса эса юракка етиб боради ва ўз меваинин беради. Бобаларнинг бебаҳо мавзанинг мероси биз авлодларга абадий сабоб бўлмоги лозим.

**Шодмон ОТАБЕК**

## ҚУПЛАҒ КИН ҲУҲМЛАРИ

Орасидан гап қочган бирларининг ғуноҳидан одамларни, уришган эрхотинларни эл оғалари Наврӯз куни яратшириб кўйишган.

Наврӯзда атроф-муҳит орасталанади, ариқ-зувурлар тозаланади, ҳовли-боглар тартибига кетлиради. Кўчалар, майдонлар, ҳовлилар тозаланади.

Наврӯз куни подшолар ўши яланларга ўн берган, эл ичидаги энг муносаб қишиларни тақдирлаблан, бандиларнинг ғуноҳидан кечган, урушлар баҳт рамзи деб тўхтатилган, одамлар бир-хисобланган.

## ТАБРИКЛАЙМИС!

«Хоразм почтаси» ҲЖ жамоаси почта алоқа хизмати бўлими мухандиси Йўлдош АБДАЛОВни 60 ўши билан чин дилдан табриклиди. Унга мустахкам соглик, узок умр, оиласидан ҳотиржамик тилайди.

Андижон радиотелевизион тартиши маркази жамоаси Андижон телемаркази цех бошлиги Толибжон САЙДМАМОТОВни 60 ўши билан самимий табриклиди. Унга узок умр, ишларидан ҳоли қуришади.

«Қашқадарё почтаси» ҳиссасадорлик жамиятининг Муборак филиали жамоаси филиал директори Шокир ҲАМИДОВни түгилган куни билан чин калбанд табриклиди. Унга узок умр, баҳт-саҳадат, ишларидан каттадан-кatta муввафакиятлар тилайди.

«Наманган почтаси» ҲЖ жамоаси 40 йилдан бўён алоқа соҳасида самарали меҳнат килиб келаётган Янгикўргон филиали директори Үрмонжон МЎМИНОВни 60 ўши билан самимий муборакбод этди. Унга сизат-саломатлик, бардамлик, хонандига файзу-барака тилайди.

«Жиззах Телеком» шўъба корхонаси жамоаси ва вилоят алоқа ходимлари бирлашган касаба ушумаси «Жиззах Телеком» шўъба корхонаси бош директори Ўтиқ ҲОЛМАТОВ ва шўъба корхонанинг Пахтакор туман филиали директори Аллаёр ШАКАРОВни түгилган кунлари билан самимий табриклиди. Уларга оиласидан баҳт-саҳадат ва келгуси ишларидан үлкан муввафакиятлар тилайди.

**МУАССИС:**  
Ўзбекистон почта ва телекоммуникациялар агентлиги  
  
Бош муҳаррир:  
**Шодмон ОТАБЕК**

**ТАҲРИР ҲАЙЬАТИ:**  
Шомансур ОБИДХЎЈАЕВ  
Шуҳрат ЖАББОР  
Анатолий КУДИНОВ  
Иззат АҲМЕДОВ  
(Бош муҳаррир ўринбосари)  
Абдуғани АБДУРАҲМОНОВ  
(Масуҷот котиб)  
Мирлӯлат МИРЗО  
Рустам ҚОСИМОВ  
Курбоян ТЎЛЁБЕОВ  
Ҷўқубжон ҲЎЖАМБЕРДИ

**ЖАМОАТЧИЛИК КЕНГАШИ:**  
Сайдмаҳмуд АҚБАРОВ  
Шоҳзод АҚБАРОВ  
Ортиқбоя АБДУЛЛАЕВ  
Меҳмонкул ИСЛОМКУЛОВ  
Тўмажон ЛУТФУЛАЕВ  
Бобохон ШАРИФ

**МАНЗИЛИМИЗ:** 700000 Тошкент-35, А. Толстой кўчаси, 1.  
**ТЕЛЕФОНИМИЗ:** 136-36-42, 136-35-29, 144-29-09.  
Факс: 136-36-42.  
**ИНДЕКС:** 64600  
**ЖУМА КУНЛАРИ ЧИКАДИ**  
Мухарририягат келган кўлмалалар (2 оралиқда, 5 бетдан ошмаслиги лозим) ва суратлар муаллифларга кайтарилади. Маколаларни фикр-мулоҳазалар, кайтарилган факт ва рақамлар масъуллияти муаллифлар зинмасидадир.  
Рўйхатта олини №000011. Бўйрот № Г-222.  
8922 нускада чот этилди.  
Оғсет усулида босилди.  
Бичими А-3, джамъ 1 босима табок.



## СУМАЛАК ҲАҚИДА

Сумалак буғдой ундирилаётган уйга бегона қишиларни киритмайдилар. Кўнгли тоза, покиза одам буғдой ундирилаётган хонага «Бисмиллоҳир роҳмани роҳийм» деб киради ва майсага сув сепади.

● Кўктирилган буғдой майсасини одамлар кўзига суртишади, «яҳшилик, янгилик», деб тавоф қиладилар. Бу билан Наврӯздан бошланадиган янги йилимизда мўл ҳосил, юрт тинч-омон бўлсун, деб ният қилишади.

● Сумалак пишадиган куни ҳамма янги кийм киради, янги либос кийишга имкони бўлмаган киши ҳеч бўлмаса бирорта охорли мато бўлаги билан баромгини бобглаб кўйса ҳам савоб бўлади, дейдилар.

● Сумалак майсасининг суви кўни-кўшиларига, қариндош-уруғларга

улашилади. Бу сув солинган қозонда пишган таом баракали бўлади, деб ўйлайдилар.

● Сумалакка солинадиган унни пиру бадавлат онахонлар элайдилар. Иккى камипир ун элаб бўлгач, супра устига дока ёпил, ташқарига чиқиб кетадилар. Хона эшиги очик қолдирилади. Чунки сумалак Биби Фотима онамизнинг ошлар бўлгани учун у киши ўйга кири, супра устида айлансалар, ҳамманинг муроди ҳосил бўлар экан. Шу боис ҳалқ орасида «Сумалак — бир яламак» — деган нақл юради.

● Сумалак тарқатилгандан кейин яхши ният килган аёл дошқозонни ювади. Сўнгра дуо ўқиб, қозон ичидаги сувни бирор мевали дарахт тагига тўқадилар.

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ «ШАРК» НАШРИЁТ-МАТБАА**  
КОНЦЕРНИ БОСМАХОНАСИ.  
Корхона манзили:  
Буюк Турон кўчаси, 41-йч.

Босиша тоширилди — 19.00  
Босиша топширилди — 18.00  
вақти — 18.00

123456

TV

ТВ

ДУШАНБА, 27

## ЎзТВ I

6.30 "Ассалом, Узбекистон!" 8.00-8.40 "Тахлинома" 8.40 "Оҳанти" түслин көр. Музыка "Дарё" 9.00 "Узбекче телевизия" намоишни "Уйлубослари" 9.30 "Узлик" Бадиний-билиситик курсатув. 10.00, 12.00, 14.00, 18.00 "Янгилик" уйин. 10.30 "Кундуз" сеанс: "Орамибон" 15.50 "Ламаг" фильм. 12.05 "Соглом авлод" бу бизнинг калажагимиз" 13.05 "ХХI аср талабалари" 13.50 "Тибиди оламида" 14.10 "Оталар сузи акланин кузи" 15.10 "Тараккий илу" 15.30 "Шашин" машар авлари" 15.50 "Ламаг" саҳаат. Кинокурстуват. 16.30 "Кишлок хакида уйлар" 16.30 "Эргар" Кристина Бадиний фильм. 17.50 "Жонсарик" Мультиплекс 18.10 "Болалар" 18.30 "Нарзуз чечения" 19.00 "Дарё" Ахборот дастури. 19.35 "Мусикий лаҳзалар" 19.55 "Дарё" Ахборот (рус тилида) 20.00 Оқшон эртаклари 20.30 "Ахборот" 21.05 "Иктисолидёт чоррахаларида" 21.25 "Ассалом, Наврузи олам!" 2-кисм, 22.45 "Узингиз намойн кил!" Экранда - Жиззиг виляти. 23.20 "Ахборот" 23.50 "Камтари кулиниг" Бадиний фильм.

## ЎзТВ II

9.00 "Дарё" 9.15 "Ешлар" телеканалида: 9.20 "Янги авлод" "Хар соҳага саҳаат" Мультиплекс 9.55 "Дарё" кишига саҳаат" 10.30 "Тумоннома" "Чинзигон боскими" Видеофильм 10.55 "Мусикий лаҳзалар" 10.55 "Дунега ийд" 11.10 "Муҳаббат ҳақваси" Телесериал 11.15 "Салом" буллинг 15.10 "Дарё" телевизия спорт Интерфутбол. Хафтанин эн яхши учрашичи. 13.45 "Дарё" 14.35 "Соҳиб" дастурилардагилар шашкашлар 14.35 "Дарё" 15.30 "Ешлар" телеканалида спорт: Тенис 16.35 "ТВ-саҳаат" 16.50 "Мусикий лаҳзалар" 17.00 "Янги авлод" "Эркотай" Мультиплома 17.35 "Асл табоҷи" 18.20 "Минг маслаҳат" 18.40 "Танчири" 19.00 "Дарё" Ахборот дастури. 19.35 "Биринчи мұжиза" 19.50 "Мусикий лаҳзалар" 19.55 "Дарё" Ахборот дастури. 20.10 "Дарё" интервью 20.20 "Дарё" 21.05 "Дарё" 20.35 "Мусикий лаҳзалар" 22.00 "Дарё" 20.50 "Муҳаббат ҳақваси" Телесериал 22.35 "Ешлар" телеканалида спорт: Интерфутбол. 0.00 "Дарё" Ахборот дастури. 0.15 "Дарё" 1.10 "Хит-коллекция".

## ЎзТВ III

7.50 "Соғлом буйл десангиз" 8.00 Телегазета "Экспресс" 8.25 "Пойтахт" Ахборот курсатув (рус тилида) 8.45 ТВБА сериал: "Музыка" 9.35 "Дарё" 10.30 "Музыка" 11.15 "Олтин мерос" 11.30 "Янги авлод" "Олтин калит" "Мультомоша" 12.15 "Семур" Усмирад учун дастур 12.50 "Гулар орасида" 13.15 "Дарё" 14.35 "Соҳиб" 15.10 "Дарё" телевизия спорт Интерфутбол. Хафтанин эн яхши учрашичи. 13.45 "Дарё" 14.35 "Соҳиб" 15.30 "Ешлар" телеканалида спорт: Тенис 16.35 "ТВ-саҳаат" 16.50 "Мусикий лаҳзалар" 17.00 "Янги авлод" "Эркотай" Мультиплома 17.35 "Асл табоҷи" 18.20 "Минг маслаҳат" 18.40 "Танчири" 19.00 "Дарё" Ахборот дастури. 19.35 "Биринчи мұжиза" 19.50 "Мусикий лаҳзалар" 19.55 "Дарё" Ахборот (рус тилида) 20.00 "Дарё" Ахборот дастури. 20.10 "Дарё" 20.30 "Соҳиб" 20.50 "Лаззат" 21.30 "Эълон" 21.35 "Семур" Усмирад учун дастур 22.00 "Дарё" 22.30 "Эълон" 22.40 "Муҳаббат ҳақваси" Телесериал 23.25 "Ешлар" телеканалида спорт: Интерфутбол. 0.00 "Дарё" Ахборот дастури. 0.15 "Дарё" 1.10 "Хит-коллекция".

## ЎзТВ IV

7.50 "Соғлом буйл десангиз" 8.00 Телегазета "Экспресс" 8.25 "Пойтахт" Ахборот курсатув (рус тилида) 8.45 ТВБА сериал: "Санта-Барбара" 9.35 "Музыка" мөхоммона 9.55 "Кинонигоҳ" 10.30 "Эркотай" 11.15 "Дарё" 11.35 "Янги авлод" "Харбий космос" 11.55-12.15 "Дарё" 12.30 "Музыка" 12.35 "Экош" 12.40 "Муҳаббат ҳақваси" Телесериал 12.50 "Мусикий лаҳзалар" 13.15 "Дарё" 14.35 "Соҳиб" 15.10 "Дарё" 15.30 "Ешлар" телеканалида спорт: Интерфутбол. Хафтанин эн яхши учрашичи. 13.45 "Дарё" 14.35 "Соҳиб" 15.30 "Ешлар" телеканалида спорт: Тенис 16.35 "ТВ-саҳаат" 16.50 "Мусикий лаҳзалар" 17.00 "Янги авлод" "Эркотай" Мультиплома 17.35 "Асл табоҷи" 18.20 "Минг маслаҳат" 18.40 "Танчири" 19.00 "Дарё" Ахборот дастури. 19.35 "Биринчи мұжиза" 19.50 "Мусикий лаҳзалар" 19.55 "Дарё" Ахборот (рус тилида) 20.00 "Дарё" Ахборот дастури. 20.10 "Дарё" 20.30 "Соҳиб" 20.50 "Лаззат" 21.30 "Эълон" 21.35 "Семур" Усмирад учун дастур 22.00 "Дарё" 22.30 "Эълон" 22.40 "Муҳаббат ҳақваси" Телесериал 23.25 "Ешлар" телеканалида спорт: Интерфутбол. 0.00 "Дарё" Ахборот дастури. 0.15 "Дарё" 1.10 "Хит-коллекция".

## ЎзТВ V